

УДК: 618.178-085.31

*Худойкулова Шоира Нарзуллаевна*

*Зармед университети*

*Жалилов Мухидин Халимович,*

*Зармед университети*

*Ахмедова Шабнам Жамшед қизи*

*Зармед университети даволаш факультети*

*122 гуруҳ талабаси*

*Самарқанд ш., Ўзбекистон.*

**АКУШЕРЛИК ВА ГИНЕКОЛОГИК КАСАЛЛИКЛАРНИ  
ДАВОЛАШДА ФИЗИОТЕРАПЕВТИК ТАЪСИРЛАРНИНГ ЎРНИ.**

**Аннотация.** Мақола акушерлик ва гинекологияда патологик жараёнларни даволаш мақсадида физиотерапиядан фойдаланишга бағишланган. Даволашнинг ягона усули сифатида баъзи гинекологик касалликлар учун физиотерапия тавсия этилиши тушунтирилган. Турли хил жаррохлик аралашувларидан сўнг, акушерлик гинекологияда физиотерапевтик усуллардан фойдаланиш даволанишни кейинги даврини қисқартиришга ёрдам бериши такидланган. Физиотерапевтик даволаниш усулларини даволаниш вақтини қисқартириши, оғриқсиз кечиши, ножуя таъсирларини камлиги, узок муддатли таъсири ва кам микдорда дориворлардан фойдаланиб юқори даражали эффектга эришиши курсатилган.

**Калит сўзлар:** акушерлик, гинекология, физиотерапия, индуктотерапия, дарсанвализация, гальванизация, электрофорез, электротерапия.

УДК: 618.178-085.31

*Худойкулова Шоира Нарзуллаевна*

*Университет Зармед*

*Жалилов Мухидин Халимович*

*Университет Зармед*

*Ахмедова Шабнам Жамшед қизи*

*Университет Зармед, лечебный факультет, студентка 122 группы*

*Самарканд, Узбекистан*

## **РОЛЬ ФИЗИОТЕРАПЕВТИЧЕСКИХ ВОЗДЕЙСТВИЙ В ЛЕЧЕНИИ АКУШЕРСКИХ И ГИНЕКОЛОГИЧЕСКИХ ЗАБОЛЕВАНИЙ.**

**Аннотация.** Статья посвящена использованию физиотерапии для лечения патологических процессов в акушерстве и гинекологии. Поясняется, что физиотерапию рекомендуют как единственный метод лечения некоторых гинекологических заболеваний. Отмечается, что после различных хирургических вмешательств применение физиотерапевтических методов в акушерстве и гинекологии способствует сокращению сроков лечения. Показано, что физиотерапевтические методы лечения сокращают время лечения, безболезненны, имеют меньше побочных эффектов, имеют долгосрочный эффект и достигают высокого уровня эффективности при использовании небольшого количества лекарства.

**UDC: 618.178-085.31**

*Khudoikulova Shoira Narzullaevna*

*Zarmed University*

*Jalilov Mukhiddin Khalimovich*

*Zarmed University*

*Akhmedova Shabnam Jamshid qizi*

*Zarmed University, Medical Faculty, student of group 122*

*Samarkand, Uzbekistan*

## **THE ROLE OF PHYSICAL THERAPY IN THE TREATMENT OF OBSTETRIC AND GYNECOLOGICAL DISEASES.**

**Abstract.** The article is devoted to the use of physiotherapy for the treatment of pathological processes in obstetrics and gynecology. It is explained that physiotherapy is recommended as the only method of treatment for some

gynecological diseases. After various surgical interventions, it is noted that the use of physiotherapeutic methods in obstetrics and gynecology helps to shorten the period of treatment. Physiotherapeutic treatment methods have been shown to reduce treatment time, be painless, have fewer side effects, have a long-term effect, and achieve a high level of efficacy using a small amount of medication.

**Кириш.** Акушерлик ва гинекологик касалликларни олдини олишда, ташхисни барвақт қўйишда ва даволашдаги муҳим жисмоний омиллардан бири физиотерапия усули ҳисобланади. Баъзи патологик ҳолатлар учун эса ягона даволаш усули ҳисобланади.

Тос нервларининг тузалиш даври ва невралгиясида, тос аъзоларининг сурункали оғриши, белларни сурункали оғриши, беморни жисмоний ва руҳий чарчатади, бу эса рисоладагидек яшаш, нормал турмуш тарзи билан жинсий алоқалар уйғунлигини бузади. Акушерлик ва гинекологияда ўтказилган турли хилдаги жарроҳлик аралашувларидан сўнг амалга ошириладиган физиотерапевтик даволаш жарроҳликдан кейинги даволаш даврини қисқартиради, ярани битишини тезлаштиради, беморни меҳнат фаолиятига ва уй ишлари билан шуғулланишига тез қайтаради.

Бепуштлиқ дардини ёки ҳомиладорликни сунъий тўхтатиш ташхисида даволашни комплекс олиб бориш, дори-дармонлар билан яъни терапевтик усул физиотерапевтик усул билан биргаликда олиб борилиши натижасида дунёнинг кўп мамлакатларида ҳомиладорлик сони сезиларли даражада ошди ва репродуктив йўқотишлар сони камайтирилди.

**Тадқиқот мақсади.** Акушерлик ва гинекологик патологияларини даволашда физиотерапиянинг самарадорлигини алмий манбаларга таяниб асослаш.

**Тадқиқот материали ва услублари.** Магнитотерапия, ўзгарувчан электр майдон, организмни алмашиниш жараёнларида иштирок этувчи ва ўтказувчанлик тоқларини ҳосил қилувчи ионлар, ультратовуш тўлқинлари

таъсири, дозаланган қуёш нурлари - қуёш нурлари терапияси (геотерапия) орган ва тўқималарни даволаш ва чиниқтириш каби омилларниг физикавий асослари ва тегишли формулалар.

**Олинган натижалар.** Бугунги кунда фармакологик бозор гинекологик касалликларни даволаш учун турли хилдаги жуда кўп дори-дармонларни тавсия қилмоқда. Бу дориворларни организмга ноҳуя таъсири ва нотўғри юкланиши билан бир қаторда тос соҳаси сурункали касалликларини даволашда, қоннинг ёмон айланиши ҳисобидан дориворлар билан таъминланиши қийинлашади. Натижада дориворлар билан ҳомиладор аёлларни даволашда муаммолар туғдиради. Бу эса ҳомиладор аёлларни даволашда дориворлар билан физиотерапевтик усулларни биргаликда олиб боришни тақозо қилади, дориворлардан минимал миқдорда сарфлаб ҳомиладор аёлларни соғлигини тиклаш ва ҳолатини яхшилаш имкониятини беради [1.3].

Ҳомиладорлик сунъий тўхтатилгандан сўнг, унинг бачадони тозаланганда, аёллар жинсий органи билан боғлиқ жарроҳлик амалиётини ўтказганда зудлик билан физиотерапевтик усулда даволаш ишлари амалга оширилса, даволашда катта ютуқларга эришилади ва иқтисодий фойда беради [2.4].

Гинекология ва акушерликда физиотерапевтик усуллардан фойдаланиш купгина устунворликларга эга:

1. Даволаниш муддатини қисқартиради:
2. Даволанишни оғриқсиз кечадиган эффекти ҳисобланади:
3. Касалликларни олди олинади:
4. Дориворлар билан даволашдагидек ноҳуш таъсирлар кўрсатилиши дуярли мавжуд эмас (электр токи ва кучланишга ўта сезгир аёлларга қўлланилмайди):
5. Организмга киритилаётган дориворлар миқдорини камайтириш мумкин ёки баъзи патологик ҳолатларда дориворлардан умуман воз кечилади:

6. Дориворларни организмга оғриқсиз киритиши:

7. Дориворларни организмга киритишни маҳаллийлиги:

8. Электрофорез усулида киритилган дориворларни тери остида тўпланиши ҳисобидан таъсир кўрсатиш даврини узоқлиги:

Гинекология ва акушерликда қўлланиладиган физиотерапевтик таъсир эффе́ктларни қуйидаги асосий гуруҳларга бирлаштириши мумкин [5.6] :

1.Таъсир қилувчи тиббий факторлар, улар куп ҳолларда махсус тиббиёт муассасаларида сунъий усулда ҳосил қилинади:

2.Сунъий таъсир қилувчи факторлар:

3.Қул билан ҳосил қилинувчи факторлар:

4.Аппарат ва жиҳозлар билан кўрсатиладиган таъсир эффе́ктлари хар қайси бемор учун алоҳида ёндошилиб, энг эффе́ктли дозада фойдаланилади [5].

Акушерлик ва гинекологияда қуйидаги патологик ҳолатлар учун даволашни физиотерапевтик усуллардан кенг фойдаланилади:

-гинекологик жаррохлик амалиётлари ўтказилгандан сўнг организмни тикланиш даврини тезаштирилиши учун:

-бачадон шиллик пардаси қирилиб тозалангандан кейин:

- хомиладорлик тўхтатилгандан кейин:

Юкоридаги иккала жараён қуйидаги ҳолларда содир бўлиши мумкин.

а) сунъий аборт (тиббий аборт) ҳомиладор онанинг саломатлигини сақлаш, хомиладаги жиддий нуқсонлар ва бошка тиббий кўрсатмаларга кўра амалга оширилади.

б) тиббий аборт (хомилани ўз-ўзидан тушиши, хомиладорликнинг табиий ташқи таъсирлар натижасида ўз-ўзидан ҳомиласи тушиши ва тўхтатилиши)

- олдиндан хомиладорлиги тўхтатилган аёлларни хомиладорликка тайёрлаш мақсадларида:

- сунъий хомиладорлик (эко) ҳосил қилишдан олдин бачадон шиллик пардасини тайёрлашда:

- бачадон ва бачадон йўллари сурункали касалликларида:

- акушерлик ва гинекологик касалликларни даволашда одатий физик факторларни қўлланилишида:

- бачадон йўллари ёғлилиги туфайли ҳосил бўладиган бепуштликда.

Физиотерапия йўли билан даволаш бошланиши худди дориворлар терапияси каби ташхис қўйишдан бошланади. Беморни ёши, гармонал дориворлардан боғлиқлиги, қўлланилиши режалаштирилаётган физик таъсирга қарши кўрсатмаси борми ёки йўқлиги, берилган физиотерапевтик таъсирга чидай олиши, шифокор томонидан берилган усул билан даволашда олдига қўйилган вазифани бажарилиши ҳисобга олиниши, берилган хомиладор аёлни хомиласини сақланиши ва келажақда хомила ва аёлни ҳаётчанлик функциясини тиклаш ва шакллантириши кераклиги ҳисобга олинади. Албатта даволаш даври ёши ўтган хомиладор (хомиладор бўлиши режалаштирилмаган) аёл билан ёш хомиладор аёлларни даволанишлари маълум даражада фарқланади.

Хозирги кунда гинекология ва акушерликда физиотерапевтик усулда даволашларда қуйидаги факторлардан фойдаланилади [7.8] :

**1. Магнит майдони:** Магнитотерапия асосан шамоллашларга қарши фойдаланилади. Электр токини ўтказувчи органлар ўзгарувчан магнит майдонига киритилганда электромагнит индукция ходисаси юз беради ва индукцион тоқлар ҳосил бўлади. Бу тоқларга ўтказувчанлик тоқлар дейилади. Бу тоқлардан биологик тўқима ва органларни қизитиш мақсадида фойдаланиш индуктотермия терапияси дейилади ва ажралиб чиқаётган иссиқлик миқдори

$$q = k \frac{\omega^2}{\rho} B_{max}^2 \sin^2 \omega t \quad (1)$$

формуласи билан аниқланади. Бу ердар-органнинг солиштирма қаршилиги, В-магнит майдон индукцияси,  $\omega$ -тоқнинг циклик частотаси.

Демак, ажралиб чиқаётган иссиқлик миқдори ўзгарувчан магнит майдони индукциясига, организм солиштирма қаршилигига ва частотани квадратига тўғри пропорционал.

**2. Электр майдони:** Ўзгарувчан электр майдон билан даволаш биринчидан организмда мавжуд электролитларда ҳосил бўладиган ўтказувчанлик ва силжиш тоқларига кўра ажралиб чиқувчи иссиқлик

$$q_1 = \frac{E^2}{\rho} \quad (2)$$

формула билан аниқланиб, E-электр майдон кучланганлигини эффектив қийматидан ва организм солиштирма қаршилигининг қийматларидан боғлиқ бўлади. Иккинчидан диэлектрик органларда ажраладиган иссиқлик миқдори

$$q_2 = \omega E^2 \varepsilon \varepsilon_0 \operatorname{tg} \alpha \quad (3)$$

формула билан аниқланади. Бу ерда  $\varepsilon_0 = 8,85 \cdot 10^{-12} \text{Ф/м}$  электр доимийси  $\varepsilon$  – диэлектрик сингдирувчанлик.

**3. Электротерапия:** Одам организмни катта қисми биологик суюқликлардан ташкил топган бўлиб, унинг таркиби алмашилиш жараёнларида иштирок этувчи ва ўтказувчанлик тоқларини ҳосил қилувчи ионлардан ташкил топган. Электр майдони таъсирида бу ионлар турли тезликларда ҳаракатланади, тўқима мембраналари олдида тўпланади. Қарама-қарши электр майдонларини ҳосил қилади. Ўзгармас тоқнинг организмга таъсири тоқ кучига боғлиқ бўлади. Ўзгармас кичик (5-50 мА) тоқ ва 60-80 вольт кучланиш билан даволаш усулига гальванизация дейилади. Ўзгармас кичик тоқ билан дориворларни тери ва шиллиқ пардалар орқали организмга киритиш усулига доривор моддалар электрофорези дейилиб, организмга киритилган дориворнинг миқдори Фарадей қонунлари орқали

$$m = k I t \quad (4)$$

$$m = \frac{1}{F} \frac{A}{n} I t \quad (5)$$

формулалари билан топилиб, бунда  $I$  - тоқ кучининг қиймати ва  $t$ -вақтдан боғлиқ бўлади.

Ўзгарувчан тоқни организмга таъсири асосан тоқни частотасидан боғлиқ бўлади. Тоқ биологик туқималарга тебратувчи таъсир кўрсатиб, ионларни

кўчишидан, уларни бўлинишида ва тўқима томонларидаги ионлар концентрациясидан боғлиқ бўлади.

Тўқималарни қизитиш учун керак бўлган токнинг қуввати

$$P \approx I^2 R (6)$$

формула ёрдамида топилади. Бу ерда  $P$ -ток кучи,  $R$ -организм қаршилиги.

Юқори частотали токни тўқима ва органларга таъсирдан физиотерапияда фойдаланишга диатермия ва маҳаллий дарсонвализация усуллари дейилади.

**4. Ультратовуш терапияси:** Ультратовуш тўлқинлари таъсирдан биологик тўқималар ва органларда содир бўладиган физик жараёнлар қуйидаги эффе́ктларга асосланган:

- тўқима ва молекулалар даражасида коветацияланиш;
- биомакромолекулалар узилиши;
- мембраналарни ўтказувчанлигини ўзгартирилиши, шикастланиши ва қайта тақсимланиши мумкин;
- иссиқлик таъсири;
- тўқима ва микромолекулаларнинг бўлиниши.

**5. Ёруғлик билан даволаш:** Маълумки иссиқлик нурларини ҳосил қилувчи асосий манба бўлиб қуёш ҳисобланади. Дозаланган қуёш нурларидан қуёш нурлари терапияси (геотерапия) орган ва тўқималарни даволаш ва чиниктириш мақсадида фойдаланилади. Одамнинг танаси қабул қилаётган иссиқлик организм термобошқаришни таъминлайди. Инфрақизил ва кўзга кўринувчи нурларни даволовчи таъсири иссиқлик таъсири бўлиб, улар одам танасига 20мм чуқурликка кириб танани қиздиради ва температура градинтини ҳосил қилади. Қиздирилган жойда физиологик жараён тезлашади, қон билан таъминланиши яхшиланади, фойдали даволаш эффе́кти ҳосил бўлади.

Терапевтик усулда киритилган дори-дармонлар ривожланаётган ҳомилага кириб, унинг ўсишига салбий таъсир кўрсатиши аниқланган. Физиотерапиядан фойдаланиб кам дозадаги дориворлардан одам организмига кириб юқори

даражали даволаш эффекти ҳомилага салбий таъсир кўрсатмай эришиш мумкин.

Муваффақиятли даволашнинг ажралмас шарти бўлиб беморларда ижобий ҳиссиёт кайфиятини яратиш, у даволанаётган бўлимда доимий ҳар томонлама қулайликларни сақлаш ва тиббиёт ходимларини доимо ҳушмомилали бўлишга ўргатиш керак.

Гинекологик касалликлар учун физиотерапия усуллари билан даволашда қарши кўрсатмалар масаласини ҳам алоҳида таъкидлаш керак. Кўпгина хомиладор аёлларни ёшини ҳисобга олиш, касаллик тарихини узоқ бўлишини, гинекологик касаллик билан биргаликда келаётган бошқа эргашувчи патологик жараёнларни ҳисобга олиш ҳам талаб қилинади.

Иссиқлик ҳосил қилувчи физиотерапевтик жараёнлардан эндометриоз ва бачадон миомасини даволашда фойдаланиш муаммоларга олиб келиш мумкин. Шунинг учун бундай дардларга чалинган беморларни даволашда индивидуал дастурларни ишлаб чиқишга ва даволаш усулини эффектлисини танлашга алоҳида эътибор берилади.

Гинекологик касалликларни даволашда физиотерапевтик усулини танлаш ва бошланишда хайз кунларини бошланишини ва даврини билиш муҳим аҳамиятга эга, айниқса хайз кўриш даврининг иккинчи ярмида физиотерапевтик таъсир кўрсатиш бошланса, кўпинча оғриқларга, тартибсиз хайз кўриш яъни хайз кўриш режимини бузилишига олиб келади.

**Хулоса.** Шундай қилиб кўп йиллик тажрибалар репродуктив саломатликни яхшилаш учун хомиладорликка тайёргарлик даврида хомиладорлик ва туғруқдан кейинги терапевтик чора-тадбирлар комплекси яъни касалликларни даволашда терапевтик усуллар билан бирга физиотерапевтик усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатади.

#### **Адабиётлар.**

1. Ремизов А.Н.,Максина А.Г.,Патапенко А.Я “Медицинская и биологическая физика” ДРОФА. Москва 2011.с.-559.

2. Базарбоев М.И., Муллажонов Т.М. ва бошқалар. Биофизика дарслик 2018й
3. Ремизов А.Н “Тиббий ва биологик физика ” дарслик. М.:ГЕОТАР-Медиа, 2013 йил.
4. Жалилов М.Х., Абдурашидов А.А. “Физиотерапия в акушерстве и гинекологии” Scholar , volume 2, Issue 5, ISSN: 2181-4147 2024/5 February 18-27.
5. Жалилов М.Х. Хамраев Ж.Х., М.Н.Ахроров “ Техника ва методика гальванизация” Материалы международной научно-практической конференций Самарканд -2020.
6. Жалилов М.Х., Темуров Ф.Н. ”Роль физиотерапии в акушерстве и гинекологии” Ta’lim innovatsiyasi va integratsiyasi Vol.21.N.1 (2024) 200-206.
7. Жалилов.М.Х., Хамроев.Ж.Х., Каршиев.Ж.И.” Талабалар мустакил таълимида эшитиш физикаси. Инфратовуш, товуш ва ультратовуш мавзусини ўтишга кўрсатма” Golden brain Volume 121 ISSUE 121 2023 й. 4-12.
8. Жалилов М.Х “Биологическое действие постоянного тока” Multidisiplinary Scientific Journal. October, 2023, 124-128.
9. Файзибоев П. Н., Шайкулов Х. Ш. ОЦЕНКА СОСТОЯНИЯ ПИТАНИЯ ПРОЖИВАЮЩИХ В ДОМЕ ИНВАЛИДОВ //Экономика и социум. – 2024. – №. 3-2 (118). – С. 1004-1007.
10. Шайкулов Х. Ш. Изменению микробиоценоза кишечника при поносах у детей //Молодой ученый.–2024. – 2024. – Т. 8. – №. 507. – С. 24-26.
11. Шайкулов Х. Ш., Муратова З. Т. Анализ стартовой антибактериальной терапии острых тонзиллитов в условиях поликлиники у детей //Педиатр. – 2017. – Т. 8. – №. 5.
12. Шайкулов, Х. Ш. "Макро-и микроэлементный состав крови у больных аллергическим дерматитом." Молодой ученый.—2024 5.504 (2024): 61-63.
13. Шайкулов, Х. Ш. "Состояние свертывающей и антисвертывающей системы крови у здоровых людей." Молодой ученый.—2024 5.504 (2024): 59-61.

14. Giyosovna S. D. et al. BACILLUS AVLODIGA MANSUB BAKTERIYALARNING BIOTEXNOLOGIK POTENSIALI //Innovations in Technology and Science Education. – 2023. – T. 2. – №. 7. – С. 1154-1162.
15. Shayqulov H. S. et al. DIAREYA BILAN KASALLANGAN BOLALARDA AJRALUVCHI ICHAK MIKROFLORALARI //GOLDEN BRAIN. – 2023. – T. 1. – №. 6. – С. 20-24.